

ҲАҚСЕВАР, ОНА ЮРТ, МАНГУ БЎЛ ОБОД!

Шодиёна арафасида

• Курувчилар Оккўргон туманида 6,7 минг квадрат метр сахли янги уйларни фойдаланишга топширишди. «Оккўргон» ширкат хўжалигида мустақилликнинг 13 йиллиги алоҳида тантана билан нишонланмоқда. Бу

ерда футбол майдони куриб битказилди.

• Бўстонлик туманининг Сойлик қишлоғидаги чекка хонадонлар ҳам ичимлик сув тармоқларига уланди.

Ернинг соҳиби ўзимиз

Истиқлол йилларида юртимиз халқ хўжалигининг барча тармоқларида, хусусан, қишлоқ хўжалигида ҳам асрларга татигулик, беқисс ўзгаришлар бўлди. Қишлоқда иқтисодий ислохотларнинг изчил амалга оширилиши аҳоли турмуш тарзининг фаровонлашувига олиб келадиган қувончлидир.

Айнан мустақиллик йилларида аграр соҳани иқтисодий-ташқилий жиҳатдан ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Хўжалик юритиш мулкчилигининг ижара шакли ва шартномавий муносабатлар асосида амалга оширилмоқда. Деҳқон манфаатларини иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш тамойили самарали ишланмоқда. Буларнинг бари мустақиллик берган чексиз имкониятлардир.

Бунинг бизнинг «Гулистон» ширкат хўжалигимиз мисолида кўрадиган бўлсак, юқорида келтирилган, яратилган имконият имтиёзлардан тўғри ва оқилона фойдаланиш эвазига, хўжалигимиз иқтисоди йилдан-йилга бақувватлашиб бормоқда. Айниқса, деҳқонларимиз галла-чиликда ўзига хос марраларни забт этаётганликлари қувончлидир.

Бунинг бизнинг «Гулистон» ширкат хўжалигимиз мисолида кўрадиган бўлсак, юқорида келтирилган, яратилган имконият имтиёзлардан тўғри ва оқилона фойдаланиш эвазига, хўжалигимиз иқтисоди йилдан-йилга бақувватлашиб бормоқда. Айниқса, деҳқонларимиз галла-чиликда ўзига хос марраларни забт этаётганликлари қувончлидир.

Айни кунларда Паркент туманидаги «Заркент» ширкат хўжалиги боғларида мевалар фарқ пишган. Ҳосил қўғи ҳар йилгидек баракали. Меҳнат ҳам айна кайнаган палла. Ҳосилни йиғиштириш ва саранжомлаш ишлари боғбону миришкорларни шошириб қўймоқда.

Хар боши тўрт-беш килограмм келадиган узумлар, йирик ва сара олма, шафтоли, олхўрилар шаҳар аҳолисига ва консерва корхоналарига пешма-пеш жўнатилмоқда. Даромад ҳам шунга яраша бўлаяпти. Айниқса, бундан пудратчиларнинг кайфиятлари чоғ.

СУРАТДА: (чандан ўнган) бош пудратчи Абдулла Шодиёнов ва ерданчи Алишери Муллаев ҳосил салмоғидан мамнун.

Даврон АҲМАД олган сурат.

• Дил изҳори

Ислохот берган йўл

Фермерлар ҳуқуқларининг кенгайтирилиши, уларга ерларнинг узок вақтга берилиши, хизмат кўрсатувчи, тайёрлов ҳамда қайта ишловчи корхоналар билан тўғридан-тўғри шартномалар тузиш ва ресурслардан эмин-эркин фойдаланиш каби бир қатор имтиёзларнинг қонуний асосда ташминлигини ерга эгалик қилиб, шу тариқа эл фаровонлиги, юрт маъмуриятига ҳисса қўлиши мақсад қилганлар учун чинакам имкониятлар эшигини очди, десак муболаға бўлмайди.

Бизнинг «Покиза-М» фермер хўжалигимиз ҳам ана шундай имтиёз ва имкониятлардан қўланиб ташкил этилган. Бундан уч йил олдин эски аэродром ўрнидаги 56 гектар ерда фермерлик фаолиятини бошлаган эдик. Тинимсиз меҳнатимиз, қўйиладими эвазига шу йилнинг ўзида ташландиқ ерни обод қилиб, пахтадан ҳам, галладан ҳам юқори ҳосил олишга эришдик. Муваффақиятларимиз самараси чакки бўлмади. Мутасаддилар йил якунида хўжалигимиз иқтисодига катта ишони билдиришиб, иштирокидаги ер майдонини яна 60 гектарга кенгайтириб беришди. Бу ўз навбатида зиммамизга янада катта масъулиятларни юқлади. Бу йил эса тендер асосида қўшимча 64 гектар ерни қўлга киритиб, умумий экин майдонимизни 180 гектар

га етказишга муваффақ бўлдик. Ҳамиша асосий экин туримиз бўлган пахта ва галладан юқори ҳосилдорлиқни қўлаб меҳнат қилиб келмоқдамиз. Ўтган йили даромадимиз 70, соф фойдамиз эса 28 миллион сўмдан ошди. Бу йил эса давлат эҳтиёжлари учун 280 тонна пахта етказиб бериб, умумий даромадимизни 100 миллион сўмдан оширишни қўзлаганмиз.

Ўтган ҳисса вақт мобайнида фаолиятимиз учун қўл келадиган бир қанча техникаларга ҳам эга бўлдик. Улар ёрдамида деҳқонларимиз мушқули осонлашмоқда, энг муҳими ортқича сарф-харажатларга ўрин қолмаяпти.

Абдумалик КАРИМОВ, Оккўргон туманидаги «Покиза-М» фермер хўжалиги раҳбари.



Тўйга тўёнамиз бисёр

Вилоятимиз шаҳар ва қишлоқларида мустақиллик байрами тантаналари бошланди. Халқимизнинг азалий анъанаси — тўйга тўёна билан бориш удумига амал қилиб, савдо ходимларимиз бу қутлуғ айёмга муносиб совғалар билан келдилар.

Аҳолига 7 миллиард 891 миллион сўмликдан зиёд савдо хизмати кўрсатилиб, режа 147,4 фоиз адо этилди. Зангиота, Покент, Чиноз ва Янгийул туманларида аҳолига савдо хизмати кўрсатиш, айниқса, жадал юксалиб бормоқда.

Биз бундай натижаларга савдонинг янги усулларини қўллаш орқали эришмоқдамиз. Жумладан, янги ўқув йили арафасида вилоятимиз туманларида 45 та мактаб бозори ташкил этилди. Ўқитувчилар ва ўқувчиларга 86 миллион сўмлик маҳсулот етказиб бердик. Бундан ташқари, жойлардаги 50 та дўконимизда ўқув ашёлари, дарсликлар ва маҳсул кийим-кечак билан савдо қилувчи 50 та алоҳида бўлим ҳам очилди.

Байрам арафасида вилоятимизнинг туман ва қишлоқларида ярмаркалар ташкил этиб, нон, кандалот ва озиқ-овқат маҳсулотлари, шунингдек, кийим-кечак билан савдо қилиш шаҳобчаларини кўпайтирдик. Мустақиллик байрами тантаналари давом этаётган кунларда савдо хизмати кўрсатиш қўламлири янада кенгайди.

Қудратилла МАҲМАДЖОНОВ, Тошкент вилоят «Матлуботсавдо» акциядорлик компанияси бошқаруви раиси.



«ТОШКИЛОУАТАВТОТЕХНИКАТ»

очиқ ҳиссадорлик жамияти

Ўзбекистонда истиқомат қилаётган барча ватандашларимизни қутлуғ байрам —

Истиқлолнинг 13 йиллиги

билан муборакбод этади! Мустақиллик кўёши юртимиз мусаффо осмонда ҳамаша ёрқин нур сочиб, порайверсин!



Акциядорлик-тижорат

«РАХТА BANK» НИНГ

Тошкент вилоят бошқармаси жамоаси

Ўзбекистон халқини энг улуг, энг азиз байрам — мамлакатимиз Мустақиллигининг

13 йиллиги

билан самимий қутлайди! Серқўёш юртимиз гуллаб-яшнаши йўлидаги эзгу ишларингизда омад, шахсий ҳаётингизда бахт-саодат, сиҳат-саломатлик доимо ёр бўлсин!



«ПАХТА BANK» эл-юрт фаровонлигини ошириш йўлидаги умумхалқ ҳаракатида доимо камарбаста!

